

# НУШУҚ

# 02

(213)


YURIDIK GAZETA

Yanvar

D	7	14	21	28
S	1	8	15	22
Ch	2	9	16	23
P	3	10	17	24
J	4	11	18	25
Sh	5	12	19	26
Y	6	13	20	27

2002

Gazeta 1997-yil 27-avgustdan chiqq boshlagan



## ● ДИЛ ИЗХОРИ

# ПРОКУРОР — ХАЛҚ ХИЗМАТКОРИ

**ТАЛАБАЛИК** даврим мустақилликнинг илк йилларига тўғри келди. Озодлик ва ҳурликка эришган ёш давлатимизнинг барча соҳаларида бўлгани каби прокуратура тизимида ҳам ҳаётий ўзгаришлар бошланди. Прокурор сўзининг асл маъносини англаб олдик. Прокурор фаолияти гамхўрлик қилиш, кишилар арз-ҳолини эшитиш ва муаммоларини ҳал этиш, қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижро этилишини назорат қилишдан иборат эканлигини тушуниб етдик.

Хуллас, мустақил Ўзбекистон прокуратураси ҳодимлари бундан ўн йил олдинги тузум кишиларига ҳеч ҳам ўхшамайди, улар орасида еру осмонча фарқ бор.

Бунга мен бугунги кундаги фаолиятим сабаб гувоҳ бўлиб турибман. Иш доираси кенг ва масъулиятли. Қолаверса, фақат қоғоз-ҳужжатлар билан эмас, ҳамisha кишилар билан учрашиб, суҳбатлашишга тўғри келади. Кечалари прокуратура маҳкамасининг хоналаридаги чироқлар алламаҳалгача ўчмаган вақтлар кўп бўлади. Демакки, бу ерда қайноқ иш жараёни давом этмоқда, кишилар тақдирини ҳал этишда эки қандайдир ҳаётий зарур, эртага қолса кеч бўладиган масалага ойдинлик киритилмоқда...

Мустақил давлатимизнинг прокуратура ходимлари ўзларининг ишига содиқлиги, вазифасини виждонан ва ҳалол адо этиши бошқа муросяо мадорага берилмаслиги ҳамда инсоний фазилатлари билан фарқланади. Улар қасамёдларига хилоф иш тутмайдилар.

Президентимиз Ислам Каримов иккинчи чақирғиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг олтинчи сессиясидаги маърузасида прокуратура тизимида олиб борилаётган ислохотларга алоҳида ва атрафлича тўхталиб, улар олдида турган муҳим вазифаларни таъкидлаб ўтди. «Прокурорлар фаолиятига, — деб ўқтирди Президентимиз, — улар томонидан кўзга тилган жиноий ишлар ёки жавобгарликка тортилган фуқаролар сонига қараб эмас, балки тегишли ҳудудда қонунчиликка амал қилинишининг ҳолати ва халқнинг осойишта ҳаёт кечираётганига қараб баҳо берилади».

Қолаверса, давлатимиз раҳбарининг ушбу кўрсатмаси янги таҳрирдаги «Прокуратура тўғрисида»ги Қонунда ҳам ўз аксини топган. Жумладан, унинг 45-моддасида «Прокурорлар фаолиятини баҳолашнинг асосий мезонлари қонунийликнинг ҳолати ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари, жамият ва давлатнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг таъминланиши ҳисобланади», дейилган.

Бугунги кунда менинг ҳамкасбларим Президентимиз кўрсатмалари, янги таҳрирдаги «Прокуратура тўғрисида»ги Қонун асосида ўз олдиларига қўйилган масъулиятли вазифаларни бажариш йўлида сидқидилдан иш олиб бормоқдалар; жиноятчиликка қарши кураш, қонунийликни таъминлаш, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини астойдил ҳимоя этиш, ҳуқуқий маданиятни ошириш йўлида фаолият кўрсатмоқдалар.

Яна бир жиҳати шуки, вилоят прокуратура органларининг сафи ёш, ишга чанқоқ, фидойий кадрлар билан мунтазам мустаҳкамлаб борилмоқда.

Холисона айтганда, прокурор, прокуратура ходими шу жамият, шу халқ тарбиясини олиб воёга етган оддий инсонлардан. Ҳеч кимдан устунлик ёки ортиқчалик томони йўқ. «Имтиёзи» фақат шундаки, унга бошқалардан кўра кўпроқ масъулият юкланган, иш соати чегараланмаган, ҳамisha халқ ва жамият манфаатлари йўлида тиним билмайди...

Ҳамза БОБОМУРОДОВ,  
Навоий вилояти прокурорининг  
катта ёрдამчиси

## ҲАРБИЙ ПРОКУРАТУРА:

# ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ

Маълумки, Ўзбекистон Олий Кенгашининг 1992 йил 14 январдаги қарорига мувофиқ Республикамиз ҳудудида жойлашган ҳарбий қисмлар, ҳарбий ўқув юртлари ва бошқа ҳарбий тўзимлар Ўзбекистон тасарруфига олинди.

Ўтган давр мобайнида Қуролли Кучларимизни такомиллаштириш борасида муҳим ҳужжатлар қабул қилинди. Республика Президентининг кўрсатмасига мувофиқ, ҳарбий қурлишдаги ислохотларга ҳамдоҳан тарзда Ҳарбий прокуратура органлари ҳам тубдан ислохот қилинди. Фаолиятининг бош мезони интизомни мустаҳкамлаш, ҳарбий хизматчилар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, давлат ва ҳарбий мулкни сақлаш бўлган мазкур маҳкамаларда ҳам кўплаб сезиларли ўзгаришлар бўлди. Ҳўш, улар нималардан иборат? Умуман, олиб борилаётган ислохотлар қандай самара бераёпти? Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурорининг биринчи ўринбосари, адлия полковниги Шўҳрат УЗОҚОВ билан суҳбатимиз ана шулар хусусида бўлди.



— Шўҳрат ака, муҳим сана — Ўзбекистон Республикаси прокуратураси ва Қуролли Кучларимиз ташкил этилганининг 10 йиллиги арафасида суҳбатлашаётган эканмиз, аввало Ўзбекистон Ҳарбий прокуратурасининг ташкил топиши ҳақида қисқача сўзлаб берсангиз.

— Мамлакатимиз мустақилликка эришиб, халқаро ҳамжамиятнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида эътироф этилган, Қуролли Кучлар билан бирга ҳарбий ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларни ҳам ўз юрисдикциясига олиш ҳуқуқига эга бўлди.

Хусусан, Президентимизнинг 1992 йил 28 февралдаги «Ҳарбий трибуналлар ва Ҳарбий прокуратура органлари тўғрисида»ги Фармонига асосан Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Ҳарбий прокуратураси ташкил этилди. Шу санадан эътиборан, Республикамиз ҳудудидаги ҳарбий прокуратура идоралари Ўзбекистон

прокуратураси тизимига киритилди.

Давр талабларидан келиб чиққан ҳолда, ҳарбий прокуратура органларининг фаолият кўрсатиши билан боғлиқ меъёрий ҳужжатлар кейинчалик такомиллаштирилди ва «Қуролли Кучлар Ҳарбий прокуратураси тўғрисида»ги Низом ишлаб чиқилиб, у 1993 йил 17 майда Республика Бош прокурори томонидан тасдиқланди.

Ҳарбий қурлишни ислохот қилишга доир Президентимиз кўрсатмаларига мувофиқ янги ташкил этилган ҳарбий тўзимлар Қўмондонликлари билан ҳамкорликни амалга ошириш мақсадида Қуролли Кучлар Ҳарбий прокуратураси негизда Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси тuzилди. «Ҳарбий прокуратура тўғрисида» Низом ишлаб чиқилиб, у 1999 йил 14 апрелда Республика Бош прокурори томонидан тасдиқланди.

(Давоми 8-бетда.)

Демократик жамиятда алоҳида фуқаролар эмас, балки уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари қандай ҳимоя қилинаётгани прокурорлик назоратининг объекти ҳисобланади. Прокуратура идоралари фуқароларнинг ҳуқуқлари камситилиши ҳолатларига йўл қўймаслик мақсадида бошқарув ва контроль органларининг ҳуқуқий ҳужжатлари қонунийлигини назорат қилиб бориши зарур. Бу — прокурорларнинг асосий вазифаси ва бурчидир.

Ислам КАРИМОВ











# ХУКУКШУНОС ИТЛОМЛАРИ

## ЎҒЛИМ ШОҲЖАҲОНГА

Менинг йиғит ёшим, навқирон умрим  
Гоҳ равон сўқмоқдан иборат бўлди.  
Неча бор қоқилиб, турдим, йиқилдим,  
Ҳаёт! — дедим — дилга шижоат тўлди.

Ўзи овартардим, ахир бу — ҳаёт,  
Юки бирда енгил, бирда машаққат.  
Ўғлим, далда бўлиб сабру қаноат,  
Сервиқор чўққилар чорлади фақат.

Оллоҳдан тиладим, умр бардавом,  
Фақат ундан умид, ёруғлик кутдим.  
Ширин орзуларим бўлди ижобат,  
Ўғлим, сенга бугун қалбимни тутдим.

Умидим чирого, кўзим қароси,  
бу озод кунлар деб қадам бос шахдам!  
Елкамни тутайин, бағрим пораси,  
Ниятинг нур бўлсин, кошонам — бахтдан.

Фуломжон ШУКУРОВ,  
Тошкент

## ВАТАН

Она алласини тинглаб жилмайиб,  
Бешикда ухлайди гўдак бехатар.  
Аёл ажизмас, турмас мунгайиб,  
Эркакла ёнма-ён яшар, яратар.

Она алласида Ватан бор буюк,  
Қулоқларга қуяр Ватан номини.  
Шунинг учун она Ватандай суюк,  
Нур сира тарк этмас кўнгил жомини.

Она алласини тинглайди ер-кўк,  
Ватан осмонда юлдузлар сероб.  
Гўдак оёғини ўнар майса-кўк,  
Бекинмачоқ ўйнар кўшиқ, нур, китоб.

Ватан дея оқар ариқдаги сув,  
Қушлар навосида тинчлик нафаси.  
Она алласида бир улуг туйғу —  
Бешиклардан боқар юртининг эртаси.

## БОШ КИТОБ

Энди нурулар таралгайди,  
Ҳаққа етгай хитобим.  
Сўз дуридан яралгандир —  
Йўл кўрсатар бош китобим.

Алломазар меросинда  
Сарқаламдир сурури.  
Икки дарё орасида  
От сургандир гурри.

Мўъжизалар кўрсатгайди,  
Шоҳ Сулаймон узугидай.  
Барча, анлар, содда-равон,  
Соҳибқирон тузугидай.

Келажаги буюк элининг,  
Йўл кўрсатар юлдузидир.  
Адашмагай дунё кезиб,  
Кечасидир, кундузидир.

Қонунларнинг Отаси у,  
Унда ўзлик намоён.  
Истиқлол сардафтарин  
Тан олган жумла жаҳон.

Ҳар жумласи мухтасару  
Ҳар бандида ҳарорат.  
Кўҳна Турон аҳли учун  
Эзгуликка кафолат.

Бегубор осмонимиз —  
Мангу парлар бу офтоб.  
Дилимизда иймонимиз —  
Қўлимизда бош Китоб.

Исматулло ЙЎЛДОШЕВ,  
Самарқанд

## БОЛАГИНАМ

Ойлаб кутдим, йшлаб кутдим, болагинам,  
Орзуимдан, ниятимдан топдинг ривож..  
Сен тугғиб тоғдай ўсди интиқ юрак,  
Сен меники, меникисан, болагинам.

Умринг узоқ бўлсин, дейман доимо сенга  
Юрт тинчлиги бўлсин ҳамроҳ, ёлғизинам.  
Кўнгли бутун, соғлом ўсгин, жигаргўшам,  
Сен меники, меникисан, болагинам.

Ёвузликлар четлаб ўтсин, ёлғизинам,  
Душманлар чанг соломасин ҳаётингга.  
Озод юртининг озод ўғли, ўғлим менинг,  
Сен меники, меникисан, болагинам.

Порлаб турган қуёш доим йўлдош бўлсин,  
Ёруғ, равон йўллар доим қўлдош бўлсин.  
Ёру дўстлар кўп бўлсини дилдош бўлсин,  
Сен меники, меникисан, болагинам.

Ҳаётимнинг гул-чечаги, болагинам,  
белда қувват, кўзда нурум, болагинам.  
Охир йўлга чиққанда ҳам кўтарувчи,  
Сен меники, меникисан, болагинам.

Бўларингни кўрай доим, болагинам,  
Тўларингни кўрай, жоним-болагинам,  
Невараги тўлсин уйлар, болагинам,  
Сен меники, меникисан, болагинам.

Гулнора ҲАМРОЕВА,  
Жиззах



## УМР

Йиллар ўтаверар бир-бирин қувиб,  
Қайгулар ўтади, шодлик ўтади.  
Ҳаёт денгизида бораман сузиб,  
Ҳали бу бошимни нелар кутади.

Тўлқинлар ичида сузаман гирён,  
Баъзида қаро тун, баъзида офтоб.  
Қўрқаман, бир кунни келади замон,  
Мени ҳам қаърига тортади гирдоб.

\*\*\*

Минг жоним садқадир, жоно, кўзингга  
Минг жоду берибдир Олло кўзингга  
Шаҳло кўзларининг шайдолари кўп,  
Ҳайҳот, кўз тегмасин асло кўзингга.

Жаҳонгир ШАРОҒБОЕВ

## ЯНГИ ЙИЛ ТОНГИ

Уфқ ёришмоқда.  
Қандай булар кун?  
Арча атрофида сайил бўлади.  
Ким билар илк кунни қандай бўларкин?  
Энг бахтли бўлган йил қай йил бўларкин?  
Эски йилда ёнган чироқ сўнмасин,  
Самовий наводан уммасин ҳадик.  
Янги йил кайфият тушиб сўнмасин.  
Арчага илгинган шиша шарчадек.  
Сезмайсан қарвонни итлар ҳўрмаса.  
Лек омон бўлишин ошно-ю ётлар.  
Сирпаниб юрмаса, дейман, юрмаса.  
Оптоқ қор устида қора ниятлар.  
Мўъжиза рўй берса: Одамлар қалби.  
Қадаҳдек меҳрдан кўпириб тошса,  
Ҳилодек нур сочса, кулгудан лаби,  
Ёвлар бир-бирига қучоғин очса.  
Кимнингки юраги бўлса кўмирдан,  
Ёниб адо бўлса, қолмаса изи.  
Виждон жилгалари оқиб томирдан  
Қайта тирилса-ю, қазарса юзи.  
Ким бору, ким йўқдир, ҳали унғача.  
Менинг дил ниятим шудир — Янги йил  
Янги бўлиб қолсин сўнги кунгача.

## ЭНГ ЧИРОЙЛИ ГУЛ

Ғолиб бўлса, битсалар достон.  
Ўқиб тун-кун завққа тўлардим.  
Гар бозорда сотсалар, арзон  
Ҳаққин жоним билан тўлардим.

Гар у азон тугғилса, азон  
Айтар эдим туюқларига.  
Гар у тоғдай юксалса, шу он  
Босардим лаб булоқларига.

Ковлар эдим аждар комини,  
Тухми дея, майли, ўлардим.  
Энг чиройли сулинги номини  
Адолат, деб қўйган бўлардим.

\*\*\*

Шарқ кўк кошонага олтин остондир,  
Туркистон бир дарахт, замин бўстондир.  
Энг заранг ларзони Ўзбекистондир,  
Билгилки, сермева бир шонаси бу.

Туй қилиб олимни чорласа пир, ёш,  
Сахаргоҳ тананга сингиса куй, ош.  
Тонг тоғлар ортидан порласа қуёш,  
Билгалки, юртининг пешонаси бу.

Сахий-юрт гардига энг бахил бўлса,  
Эл баҳс қилса-ю, лек аҳил бўлса.  
Фикрлар гуллардай хилма-хил бўлса,  
Билгилки, баҳорнинг нишонаси бу.

Довуд МАҲДИЙ,  
Қарши

\*\*\*

Мен ёлғиз... юрак ёлғиз,  
Сезмас бун «тенлак» қиз.  
Юрак қизиб боради —  
Унинг юрагидир муз,  
Мен ёлғиз — юрак ёлғиз.

Қўкда ой хира тортар,  
У ҳам ёлғиз, тонг отар.  
Шундай экан бу дунё —  
Ким ёнар, ким совқотар,  
Қўкда хира ой ботар.

Бордим таниши теракзор,  
Бир вақт унда интизор  
Олма юзли қалам-қош,  
Қуралай кўз беозор —  
Кутган эди интизор.

Шовуллаган теракзор,  
Сенга ҳасратларим бор.  
Мен дунёни тарк этгум,  
Тинглмасча ул дилдор —  
Эшит, ҳасратларим бор.

Тинглмасча-тинглмасча,  
Кўз ўнгимда юрса бас.  
Усиз дунё қоронгу,  
У дунё ҳам ёруғмас —  
Кўз ўнгимда юрса бас...

Юнус АБДУЛЛАЕВ,  
Фарғона



